

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ
БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

275 Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкани бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 869-2

(2009 йил 20 июндан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 186-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан 1999 йил 23 ноябрдаги 88-сон ва 1999 йил 29 ноябрдаги 17-сон билан тасдиқланган «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкани бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 869, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил, 1-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2001 йил 6 сентябрдаги 102 ва 10-1-262-сон «Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мулкани бошқа корхона ва ташкилотларга ижарага бериш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори (рўйхат рақами 869-1, 2001 йил 10 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2001 йил, 17-сон).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
59-сон

**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 июнь,
01-16-18/13-сон